

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ MD 2-208
2019 йил



“Таржима назарияси ва амалиёти”
йўналиш бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ НИДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМНИ - МЕТОДИК
МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий
ва урта маҳсус, касб-хунар таълими йўнилилари бўйича ўқув-устубий
бирданималар фаoliyatiini Muvofiq qishinashiruvchi kengashining
2019 йил 18.10. даги 5 -сонли баённомаси билан
маъқулланган.*

- Тузувчилар: “Ўзбекистоннинг майданинг тикланишидан майданинг юксалиши боекчида олий таълим натифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифзаров, ф.ф.д., проф. М.Қаҳхорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов. “Таълим-тарбия жараёниларини ташкил этишининг норматив-хуқукий хужжатлари” модули: тоғ.и.доц. В.Топилдинев, ю.ғ.и. доц. Х.Тунинеева, доц. в.б. А.Рахмонов. “Педагогининг инновацион фаoliyatiini rivojlanтириши” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, и.ф.д. М.Мирсониева, и.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хакназарова, М.Инназаров, Д.Кушарбаев. “Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахений, киёбий яхборот майдониниң тақомиллантириши” модули: п.ф.д., проф. Ф.Зокирова, и.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, и.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар Л.Обидов, И.Чорисов, А.Хошимов, Г.Отамуродов. “Амалий хорижий тилини ўрганишининг интенсив усувлари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзуллаева, У.Гиясова. “Таълим жараёнини бошқаринида тизимли таҳлил ва карор кабул килишининг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, ис.ғ.и. Х.Алимов, ф.-м.ғ.и., доц. В.Каримова. Махсус файлар бўйича: ф.ғ.и. Н.Нормуродова, Н.Лбдурахмонова, ф.ғ.и. Г.Одилова, ф.ғ.и. Ҳ.Бакиев, ф.ғ.и. А.Сайфуллаев, Ш.Мустафова. Такризчилар: и.ф.ф.д. (PhD) В.В.Нам, Пучон университети (Ўзбекистон), (PhD). К.Робинсон, Техас университети (АКШ), ф.ғ.д. И.М.Азимов Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети

Ўқув дастури Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг қарори
билин тасдиқка тавсия килинган (2019 йил 21.10.даси 4 -сонли баённома).

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли карорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиккан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати хамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни максад қилади.

Дастур доирасида бериладётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш боскичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукукий хужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва карор кабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишининг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари хамда долзарб масалаларидан келиб чиккан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари.

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишидан миллий юксалиш боскичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Таржимашуносликлар илгор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш.

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Таржиманинг дастурий таъминоти.

IV. Амалий хорижий тил.

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва карор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Таржима ишини тизимли лойиҳалаштириш.

VI. Махсус файлар.

6.1. Бадиий таржима ва таҳрир.

6.2. Таржиманинг лингвистик аспектлари.

6.3. Амалий таржима

VII. Малакавий аттестация.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган қасбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

“Таржима назарияси ва амалиёти” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий қасбий билим, кўникма, малакаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбик этилишини таъминлаш;

маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Таржима назарияси ва амалиёти” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор қабул килиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- ўзбек тилидан чет тилига бадиий таржима килишнинг назарий аспектларини;

- бадиий таржимада қўлланиладиган тасвирий воситалар ва трансформацияларни;

- бадиий таржималарнинг таҳлил ва таҳририни;

- лингвомаданий бирликларнинг таржима жараёнидаги ўзига хос хусусиятларини;

- оламнинг лисоний манзарасини таржимада қайта яратиш масаласини;

- хозирги замон таржимашунослигининг назарий ва амалий муаммоларини;

- таржималарни лингвистик ва адабиётшунослик нуктаи назаридан объектив таҳлил кила олишни;

- адекват ва эквивалент таржимасини *билиши* керак.

Тингловчи:

- ўзбек тилидан хорижий тилларга бадиий таржима кила олиш;

- бадиий таржималар савиясига баҳо бера олиш;

- бадиий таржималарни аслият билан киёслаб такриз ёза олиш;

- матнларни интерпретация (талкин) килиш;

- матнларни лингвомаданий таҳлил ва таржима килиш;

- турли таржима матнларидаги лексик-семантик фарқларни ва грамматик номувофиқликларни тушуниш ва мос эквивалентлар топа олиш;

- замонавий таржимашуносликнинг лингвистик муаммолари хакида баҳсга киришиш;

- таржиманинг лингвомаданий ва лингвистик муаммоларига оид илмий маколалар ёза олиш *қўниҳманирга* эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- бадиий таржима ишини ташкил этиш, лойихалаштиришнинг инновацион усулларини амалда қўллай олиш;

- бадиий таржимада тасвирии узатишнинг илгор техник усулларини амалда қўллаш;

- тил ва маданиятлараро юз бериши мумкин бўлган сценарийлар моделини ишлаб чиқиши;

- маданиятлараро мулокот жараённида юзага чикадиган тўқнашувларни бартараф этиши;

- таржима назарияси ва амалиёти йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнига илгор инновацион технологияларни интеграция кила олиш;

- жаҳон таржимашунослиги тараккиётига оид инновацион гояларни ўзбек таржимашунослигига татбик килиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- бадиий таржимада маъно нозикликлари, трансформацион усулларни қўллаш принципларини тушунтира олиш;

- бадиий таржимада аслият услуби ва руҳиятини кайта яратиш;

- маданиятлараро мулокотда қўлланадиган коммуникация воситаларини таржима жараённида тўғри қўллай олиш усулларини ишлаб чиқиши;

- таржиманинг лингвистик муаммоларини фарқлай олиш ва уларга ечим топиш;

- таржима жараёнидаги фразеологик ҳамда лексик-семантик номувофиқлик даражаларини аниқлаш;

- таржиманинг соҳавий турлари мезонларини тушунтира олиш; *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Куре ҳажми

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустакил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириши шаклида ишдан ажраган холда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир хафтадаги ўкув юкламасининг энг юкори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармони З-илюваси билан тасдикланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ЙЎНАЛИНИИ БЎЙИЧА КАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎКУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

E. ОЛИЙ ТАЪЛИМИНИНГ НОРМАТИВ ХУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш боекичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустакил демократик тараккиётининг миллий тикланиш боекичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустакил демократик тараккиёт йўли. Миллий тикланиш боекичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг асосий йўналишлари. Мустакил демократик тараккиёт йўлида эришилган ютуклар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом ўтириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараккиётининг миллий юксалиш боекичида характери. Ўзбекистон тараккиётининг миллий юксалиш боекичида стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқка хизмат килсин” гојси. Халқ кабулхоналари ва виртуал кабулхоналар хамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришининг мухим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нуткининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълим ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустакиллик гоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-кизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-кизларга нисбатан камситишининг хар кандай шаклларига бархам бериш тұғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқукий стандартларга мувофик аёлларнинг хуқукларини таъминлашда Хотин-кизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқукий ҳужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хуқукий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришининг хуқукий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-талбирлари.

Таълим соҳасига оид конун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга карши курашнинг хуқукий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга карши курашишининг хуқукий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация килган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хуқуклари. Гендер муаммолари ва ўкув жараённада гендер-дифференцияланган ҳудук-авторининг таъсирини хисобга олиш масалалари.

Конуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул киlgан фармонлари, карорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хуқукий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқукий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари. Кадрлар тайёрлантиши таълим ихтинос) йўналиши бўйича давлат таълим стандартги, ўкув режалар ва фан

дастурлари ва уларга кўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат килиш методлари. Олни таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хукукий ҳужжатларни кўллаш амалиёти хамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

2.2. Таржимада илгор хорижий тажрибалар.

Таржимашуносликла илгор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш принциплари. Ривожланган Европа ва Осиё мамлакатлари илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда кўллаш бўйича тўпланган тажрибаларини соҳа тизимиға татбиқ этиш. Соҳага оид хорижий ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалари билан тингловчиларни таништириш.

Ўқув жараёнининг норматив-хукукий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва керакли даражада ўқув жараёнода фойдаланиш.

Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

Таржимашунослик фанлари ривожига хисса қўшган соҳанинг етук хорижий филолог олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар хамда таълим тизимиға оид тажрибалар. Таржимашунослик илмининг тараккиёт тамойиллари ва истиқболи.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнидаги кўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнода фойдаланиш. Булутли технологиялар, Google булутли хизматларидан фойдалангандек холда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошк.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиши.

Медиакомплементлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Таржиманинг дастурий таъминоти.

Янги таржима технологиялари ва дастурлари. Соҳага оид электрон-ахборот ресурслари хакида тушунча ва уларни яратиш тамойиллари. Мультимедиали электрон-таржима нашрлари (ўкув фильмлари, электрон дарсликлар). Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган холда электрон-таржима ресурсларини яратиш.

Таржимашуносликда адабиётшунослик ва тилшунослик манбаларидан фойдаланишнинг назарий ҳамда дидактик асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни бадиий асар матнларини таржима килиш жараёнида кўллаш имкониятлари.

Таржимашуносликда Интернет ресурслари ва улардан соҳа тизимида фойдаланиш.

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишининг интенсив усуслари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халклар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хакида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишини лойинхалаштириш. Илмий тадқикотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулокот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда такдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётта оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон хакида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида кискача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-мухитни муҳофаза килиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил килиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишининг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, максад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишидаги изчиллик асослари. Педагогик фаoliyatda муаммолар: бакалавриат ва

магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иктидорли талабаларни кидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Карор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда карор қабул қилишга куйиладиган талаблар, унинг турлари ва психолого-жихатлари. Педагогик фаолиятда карорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Таржима ишини тизимли лойиҳалаштириш.

Таржимашунослик ва тизимли таҳлил асослари, тушунча ҳамда тамойиллар тизими. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари. Илмий ва назарий масалаларининг таржима амалиётидаги тизимли таҳлили.

Тизимли таҳлилнинг терминологияси асослари ва йўналишлари. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Аналитик тадқикотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Бадиий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги. Таржимашуносликка доир тадқикотларда тизимли таҳлил тамойиллари. Таржимашунослик тизими ва бадиий матн тузилмаси. Тизимли таҳлилда илмий тадқикот услуби.

Тизимли таҳлилда микдорийлик ва сифат. Уларнинг нисбати ва бирлиги. Матнга индивидуал ёндашувда тизимилил. Тингловчиларда ижодий ва тизимли ёндашув кўнижмасини шакллантириш.

VI. МАҲСУС ФАНЛАР

6.1. Бадиий таржима ва таҳрир.

Бадиий таржима ва унинг бошка таржима турларидан фарки. Бадиий таржимада адекватлик нуктаи назаридан ёндашув. Воситали ва воситасиз таржималар киёсий таҳлили ва бевосита ўзбек-инглиз таржима қилишнинг афзаллиги. Шеърий ва насрый таржиманинг ўзига хос хусусиятлари. Шеърий таржимада оҳангни кайта яратиш ва узатишда қўлланадиган стилистик воситалар. Таржимада вазн ва кофия масалалари. Ассонанс аллитерация, стилистик тақорорнинг шеър руҳиятига таъсири ва уни таржимада кайта яратиш муаммоси. Ўзбек бадиий адабиётидаги табиат тасвирини ўгириш талаблари.

Бадиий асарда ўзбек миллий менталитети ва табиатига мувоғик инсон портретини таржима қилиш сирлари.

Ўзбек юморига хос бадиий тасвири таржимада қайта яратиш муаммоси. Ўзбек тилидаги товушга таклил сўзларнинг бадиий асарнинг стилистик бўёқдорлигини оширишдаги роли ва уларни таржимада қайта яратиш махорати.

Тарихий шароит, муаллиф юксак услубига эътибор. Жаҳон уйгониши даври алашибётини таржима килишининг ўзига хос хусусиятлари. Тасаввуфга оид тимсоллар, илохий ишк мавзуси ва уни таржимада қайта яратиш. Фазалга хос бўлган арузий оҳангни таржимада қайта яратиш. Навоий рубоийлари таржимасида аслиятга хос арузий ритмни қайта яратиш. Бадиий таржима танкиди ва таҳрири.

6.2. Таржиманинг лингвистик аспектлари.

Ўзбекистонда таржима назарияси ва амалиётининг фан сифатида ўқитилиши. Ўзбек таржимачилигига воситачи тилнинг иштироқи. Таржиманинг аслиятдан узоклашув омиллари. Илмий, публицистик, бадиий ва оғзаки таржима турлари. Эквавалент ва адекват таржима усуслари. Таржиманинг сўз танлаш билан боғлик муаммолари ва мувофиқлик даражалари. Бутун, кисман мувофиқлик, мувофиқликнинг йўклиги ва тасодифий номувофиқлик. Таржимонинг “ёлғон дўст”лари ва реалиялар.

Таржимашуносликда прагматика ва унинг таржима назарияси билан боғликлари. Прагматик ассоциация. Прагматик контекстни таржима килишида маъновий билимларнинг ахамияти.

Таржимада фразеологик бирликларнинг ўрни. Зооним компонентли фразеологизмлар. Реалия фразеологизмлар таржимаси. Таржимада мувофиқликнинг учта турни. Таржиманинг морфологик, синтактик муаммолари ва сўз курилиши. Таржимашуносликда гап тузиши.

6.3. Амалий таржима

Таржимашуносликнинг нуктаи назаридан асос ва таржима тилларининг ўзаро нисбати, тилда универсаллик ва миллийлик. Тиллараро асимметрия ва у келтириб чиқарадиган муаммолар. Турли хил ўзлаштирулар, уларнинг таржимон томонидан кийинчиликларни ечиш жараённида пайдо бўлиши. Таржимашуносликнинг соҳта дўстлари, услубий холосалари. Турли хусусиятли услубларга хос матнларни таржима килишининг ўзига хослиги, хусусиятли услугуб тушунчаси. Публицистик услубнинг ўзига хос хусусиятлари. Публицистик матнларнинг миллий ўзига хослиги ва у юзага келтирадиган таржима муаммолари. Тилшуносликда трансформация тушунчаси, унинг таржимон фаолиятида қўлланиши. Асосий тил доирасидаги трансформациялар, уларнинг сабаблари ва олдиндан таҳмин килиниши мумкинлиги. Таржима тили доирасидаги трансформациялар, уларнинг сабаблари ва олдиндан таҳмин қилиниши мумкинлиги. Таржимада трансформацияларнинг турлари. Қўшиш, тушириб колдириш, алмаштириш ходисалари.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода кайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари хамда Аттестация комиссиясида битириув ишини химоя килиш асосида ўtkазилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойихалари, технологик жараёнилар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажаралилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўtkазилади. Бундан ташкири, мустакил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустакил малака оширишини ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустакил малака ошириш куйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиши; иктидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан катнашиш; илмий журналларда маколалар чоп этиши; кўргазма ва таинловларда иштирок этиши; илмий лойихаларда иштирок этиши; ҳалқаро (импакт-факторли) нашрларда маколалар эълон килиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланималарга муаллифлик килиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув кўлланма, методик кўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) дарражасини олиш учун химоя килинган диссертацията илмий раҳбарлик килиш.

Педагог калрларнинг мустакил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустакил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётлан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарснини кузатадилар ва таҳлил киладилар хамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўtkазали. Очик дарс таҳлили хамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йигилишида мухокама этилади ва тегнишли кафедранинг байнномаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнин ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараённанда ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва когоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқукий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Конуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2752-сонли карори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2909-сонли карори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июнданги ПК-3151-сонли карори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПК-3276-сонли карори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июнданги ПК-3775-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрга маҳсус таълим тизимига бошкарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПК-4391- сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрга маҳсус таълим соҳасида бошкарувни ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. – T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. Махмудов И.И. Башкарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
33. Сирохиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.
34. Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent, ToshDSHI, 2015.
35. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –М.: Флинта, Наука, 2010.
36. Усманова Ш. Маданиятлараро мулокотда лакуналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий маколалар тўплами. –Т.: “Akademnashr”, 2013. – 152-156 б.
37. Одилова Г., Махмудова У. Ўзбек таржимонлари ва бадий таржималар. –Т.: 2012.

IV. Интернет сайлар

38. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:
www.edu.uz
39. Бош илмий методик марказ: www.bjmm.uz
40. www.ziyonet.uz
41. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
42. www.tdpu.uz
43. www.pedagog.uz
44. tdpu-intranet.ped
45. www.literature.uz
46. www.kutubxona.uz
47. www.linguistic.ru
48. www.englspase.com
49. www.youreng.narod.ru
50. www.teneta.ru
51. www.translation.net
52. www.translationzone.com
53. www.translatortips.com
54. www.google.ru
55. www.englspase.com

"ИШЛАВ ЧИКИЛАН":

Олди таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни сабта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини омиришини таъкид этиш
Бошбизман-методик маркази

Директор Г.З. Шермарданов

2019 й.



"КЕЛИНИЛГАН":

Кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини
омиришини ташкил этиш хамда
муофикалаштириш бошкармаси

Бошкарма бошлигини Ф.Т.Эсонбобоев

2019 й.

M.Y.

Алишер Навоий имендаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва ғазоҳи макалеси университети

Ректор Н.С. Сирохиддинов

2019 й.



Алишер Навоий имендаги Тошкент давлат ўзбек
тили ва ғазоҳи макалеси университети хууридаги
иҷтимоғ Ҳадрлиғини кайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини омириш тарафк маркази

Директор Н.М. Эгамбердиева

2019 й.